

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ  
САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

## 287 Шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш учун транспорт воситасининг салоида бўлиши шарт бўлган зарур тиббий ашёлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2241*

*(2011 йил 15 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 215-модда)17-моддасига мувофиқ **буюраман**:

1. Шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш учун транспорт воситасининг салоида бўлиши шарт бўлган зарур тиббий ашёлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Вазир**

**А. ИКРАМОВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 22 июнь,  
178-сон

Ўзбекистон Республикаси  
соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил  
22 июндаги 178-сон буйруғига  
ИЛОВА

### Шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш учун транспорт воситасининг салоида бўлиши шарт бўлган зарур тиббий ашёлар РЎЙХАТИ

Т/р	Тиббий ашёлар номи	Чиқарилиш шакли (ўлчам)	Миқдори, автотранспорт категориясига кўра		
			В (M1)	С (N1, N2, N3)	Д (M2, M3)
<b>I. Ташқи қон кетишни вақтинчалик тўхтатиш ва жароҳатларга боғлам қўйиш учун</b>					
1.	Қон тўхтатувчи жгут		1 дона	1 дона	3 дона
2.	Ностерил тиббий докали бинт	5 м x 5 см	2 дона	2 дона	5 дона

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.*

Т/р	Тиббий ашёлар номи	Чиқарилиш шакли (ўлчами)	Миқдори, автотранспорт категориясига кўра		
			В (М1)	С (N1, N2, N3)	Д (М2, М3)
<b>I. Ташқи қон кетишни вақтинчалик тўхтатиш ва жароҳатларга боғлам қўйиш учун</b>					
3.	Ностерил тиббий докали бинт	5 м x 10 см	2 дона	2 дона	5 дона
4.	Ностерил тиббий докали бинт	7 м x 14 см	1 дона	1 дона	3 дона
5.	Ностерил тиббий докали бинт	5 м x 7 см	2 дона	2 дона	5 дона
6.	Стерил тиббий докали бинт	5 м x 10 см	2 дона	2 дона	5 дона
7.	Стерил тиббий докали бинт	7 м x 14 см	1 дона	1 дона	5 дона
8.	Стерил боғлам учун пакет		1 дона	1 дона	5 дона
9.	Стерил тиббий докали салфеткалари	16 см x 14 см дан кам бўлмаган, № 10	1 қути	1 қути	3 қути
10.	Бактерицид лейкопластирь	4 см x 10 см дан кам бўлмаган	2 дона	2 дона	5 дона
11.	Бактерицид лейкопластирь	1,9 см x 7,2 см дан кам бўлмаган	2 дона	5 дона	15 дона
12.	Рулонли лейкопластирь	1 см x 250 см дан кам бўлмаган	1 дона	1 дона	3 дона
<b>II. Юрак ўпка реанимацияси воситалари</b>					
1.	«Оғиз-восита-Оғиз» усулида сунъий нафас ўтказиш учун тўсиқ воситаси		1 дона	1 дона	2 дона
<b>III. Бошқа воситалар</b>					
1.	Аммиак эритмаси — 10% (нашатир спирти)	флаконт	1 дона	1 дона	2 дона
2.	Қайчи		1 дона	1 дона	2 дона
3.	Тиббий қўлқоплар	Ўлчами «М» дан кам бўлмаган	1 жуфт	1 жуфт	5 жуфт
4.	Тиббиёт қутичаси		1 дона		

Изоҳ:

1. Яроқлилик муддати ўтган ва ўрамига зарар етган дори воситалари ҳамда тиббий ашёлар қўлланилиши тақиқланади.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 декабрдаги 472-сон қарори (Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати қарорлари тўплами, 2000 й., 12-сон, 75-модда) билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларининг 3-иловаси 7.9-банди талабларига мувофиқ тиббиёт қутичаси транспорт воситаларини ишлаб чиқарган ташкилот томонидан белгиланган жойга мустаҳкам ўрнатилади. Агар транспорт воситасини конструкциясида бундай жой кўзда тутилмаган бўлса, тиббиёт қутичаси осон олинадиган жойда бўлиши лозим.

3. Ушбу рўйхат Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан келишилган.

*Ички ишлар вазири*

**Б. МАТЛЮБОВ**

*2011 йил 18 июнь*